

**Наманган вилояти ҳокимлиги томонидан 2023 йилнинг
6 ойи мобайнида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари
билан ишлаш ва юзага келаётган муаммоларни бартараф этишга
қаратилган таклифлар тўғрисида таҳлилий**

АХБОРОТ

Мухтарам Президентимиз томонидан 2023 йилни “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили” деб эълон қилиниши муносабати билан, халқ билан мулоқот ва аҳолини қийнаб келаётган муаммоларни ҳал этиш билан боғлиқ амалий ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Жойларда аҳоли билан юзма-юз ва очиқ мулоқот ўтказиш, улар томонидан кўтарилаётган муаммоларни ҳал этиш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ҳар ҳафтада вилоят ҳокими томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Наманган вилоятидаги Халқ қабулхонасида, шаҳар ва туманлар ҳудудида ҳамда вилоят ҳокимлигида мунтазам шахсий қабуллар, шунингдек тадбиркорлар учун алоҳида қабуллар ўтказилиб келинмоқда.

Шунингдек, вилоят ҳокимининг “Telegramm” ва “Facebook”даги расмий саҳифалари орқали туну-кун мурожаатлар қабул қилиниб, ижрога қаратилиб, назоратга олинмоқда. Ёшларни қийнаб келаётган муаммоли масалалар ва таклифларини ўз вақтида кўриб чиқиш самарадорлигини ошириш мақсадида, вилоят ҳокимининг ташаббуси билан вилоят ҳокимлигининг “Ёшлар мурожаати” веб-сайти ва Call-center орқали мурожаатларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш тизими жорий этилди.

Мунтазам равишда 4 та сектор раҳбарлари иштирокида жойларда аҳоли ва тадбиркорлар учун сайёр қабуллар ўтказилмоқда.

Вилоят ҳокимлигига 2023 йил 6 ойи давомида жисмоний ва юридик шахслардан **жами 3 592 та** мурожаатлар келиб тушган бўлиб, шундан **1 441 та (ёки 40,1%)** ёзма, **2 046 та (ёки 56,9%)** оғзаки ва **105 та (ёки 2,9%)** электрон мурожаатлар келиб тушган бўлиб, **2022 йилнинг мос даврида** бу кўрсаткич **4 429 тани** ташкил этгани ҳолда **837 та (ёки 18,9%)га** камайган.

Энг кўп мурожаатлар **Наманган шаҳрида 1 099 та (29,6%)**, Давлатобод туманида **356 та (9,6%)** ва **Янги Наманган туманида 315 та (8,5%)** ва ҳиссасига тўғри келади.

2023 йил 6 ойи давомида **вилоят ҳокимлигида** раҳбарлар томонидан **жами 2 046 нафар** жисмоний ва юридик шахслар қабул қилинган бўлиб, **2022 йилнинг ҳудди шу даврида** бу кўрсаткич **2 421 нафарни** ташкил этган бўлиб, қабулга келувчилар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан **375 тага (ёки 15,5%)га** камайган.

Бундан ташқари, жорий йилнинг 6 оyi мобайнида вилоят ҳокимлигига фуқаролардан тўғридан-тўғри **жами 1 441 та** ёзма мурожаатлар келиб тушган бўлиб, ўтган **2022 йилнинг мос даврида** ушбу кўрсаткич **1 918 тани** ташкил этган ҳолда мурожаатл этувчилар сони **477 тага (ёки 24,9%)га камайган.**

Ҳар бир мурожаат ортида инсон тақдири туришини инобатга олган ҳолда мурожаатларни бевосита муаллиф иштирокида ўрганиш, кўтарилган масалани ҳал этиш ёки қонунчиликда белгиланган нормалар бўйича тушунтириш бериш амалиётига алоҳида эътибор бериб келинмоқда.

Вилоят ҳокимлигига келиб тушаётган мурожаатларни масалалар кесимида таҳлил этилганда, асосий мавзулар уй-жой ва ер майдони олиш **1 206 та (ёки 32,5%)**, моддий ёрдам ажратиш **378 та (ёки 10,2%)**, дин масалалари **267 та (7,2%)**, иш, иш ҳақи ва имтиёз масалаларида **245 та (ёки 6,6%)** ва уй-жойларини таъмирлаш масалаларида **214 та (5,7%)ни** ташкил этади.

Шаҳар ва туманлар ҳокимликларига келиб тушаётган жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари бўйича

2023 йил 6 оyi давомида **шаҳар ва туманлар ҳокимликларига** жисмоний ва юридик шахслардан **жами 9 917 та** мурожаатлар келиб тушган бўлиб, шундан **3 770 та (ёки 38%)** ёзма, **5 496 та (ёки 55,4%)** оғзаки ва **651 та (ёки 6,6%)** электрон мурожаатлар келиб тушган бўлиб, **2022 йилнинг мос даврида** бу кўрсаткич **14 121 тани** ташкил этгани ҳолда **4 204 та (ёки 29,8%)га камайган.**

Энг кўп мурожаатлар Наманган шаҳрида **1 468 та (ёки 14,8%)**, Янги Наманган тумани **966 та (ёки 9,7%)** ва Учқўрғон тумани **894 та (ёки 9%)** ҳиссасига тўғри келади.

2023 йилнинг 6 оyi давомида **шаҳар ва туманлар ҳокимликларида** раҳбарлар томонидан **5 496 нафар** жисмоний ва юридик шахслар қабул қилинган бўлиб, ўтган 2022 йил 6 оyiда бу кўрсаткич **7 883 нафарни** ташкил этган бўлиб, қабулга келувчилар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан **2 387 тага (ёки 30,3%)га камайган.**

Бундан ташқари, жорий йилнинг 6 оyi мобайнида **шаҳар ва туманлар ҳокимликларига** фуқаролардан тўғридан-тўғри **жами 3 770 та** ёзма мурожаатлар келиб тушган бўлиб, ўтган **2022 йилнинг мос даврида** ушбу кўрсаткич **4 575 тани** ташкил этган ҳолда мурожаатл этувчилар сони **805 тага (ёки 17,6%)га камайган.**

Шаҳар ва туманлар ҳокимликларига келиб тушаётган мурожаатларни масалалар кесимида таҳлил этилганда, асосий мавзулар моддий ёрдам олиш масалаларида **1 888 та (ёки 18,6%)**, уй-жой ва ер майдонлари олиш масалаларида **1 290 та (ёки 12,7%)**, соғлиқни сақлаш масалаларида **757 та**

(ёки 7,5%) ва уй-жойларни таъмирлаш масалаларида **621 та (ёки 6,1%)**ни ташкил этади.

Президент виртуал қабулхонаси бўйича:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонасидан 2023 йил 6 оyi давомида вилоят ҳокимлигига жисмоний ва юридик шахслардан **жами 5 916 та** мурожаатлар келиб тушиб, мурожаатлар сони ўтган 2022 йил мос даврида ушбу кўрсаткич **9 478 та ташкил этган ҳолда 3 562 та (ёки 37,6%)га камайган.**

Мурожаатларни қаноатлантириш даражаси кўрсаткичлари **паст бўлган** ҳокимлик – Янгиқўрғон туман ҳокимлиги **36,6 %** қайд этилди.

Мурожаатларнинг ҳудудлар кесимида таҳлил қилинганда, **энг кўп мурожаат йўлланаётган** ҳокимликлар - Наманган шаҳарда **671 та (ёки 11,3%)**, Поп тумани **545 та (ёки 9,2%)**, Янги Наманган тумани **539 та (ёки 9,1%)** ва Чуст тумани **516 та (ёки 8,7%)** туманлари ҳиссасига тўғри келади.

ТАКЛИФЛАР:

“Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 29-моддасида мазкур Қонунда белгиланган бошқа талабларга мувофиқ бўлмаган мурожаатлар кўриб чиқилмаслиги белгиланган. Бироқ, Президент виртуал қабулхонасидан келаётган айрим мурожаатларда мурожаат этувчилар томонидан қонунсиз талаблар қўйиш (“Уй-жойини таъмирлаб бериш”, “чет элда таҳсил олаётган фарзанди учун йирик миқдордаги контракт пулини тўлаб бериш ёки ҳомий ташкилот бириктириб бериш”, “бошланғич тўловсиз намунали уй-жой олиб бериш” ва ҳ.к) юқоридаги қонунчилик ҳужжатлари талабларига мувофиқ бўлмаганлиги сабабли, янги ташкил этилаётган ягона платформа тизимида Президент виртуал қабулхонаси ишчи гуруҳи томонидан ушбу турдаги мурожаатлар келиб тушган вақтда қабул қилинмаслиги, шу жараённинг ўзидаёқ юқоридаги қонун талаби кўрсатилиб, қабул қилмаслик ва ижрога йўналтирмаслик таклифи билдирилади.

Наманган вилояти ҳокимлиги томонидан топшириқда кўрсатилган вазифалар ижросини ўз вақтида ва самарали ташкил қилиш тадбирлари амалга ошириб борилиши таъминланади.

Наманган вилояти ҳокимлиги